



International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research

Journal home page:
<https://journal.jbnuu.uz/>



DESCRIPTION OF SOCIAL SERVICES FOR THE ADAPTATION OF CHILDREN WITH DISABILITIES IN SOCIETY

Hakimov Orziqul Melievich¹

Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan

KEYWORDS

disability, disabled person,
mental state, inner feeling,
communication, spiritual
world, kindness

ABSTRACT

The article describes the features and practical aspects of the processes of social adaptation of children with disabilities. The necessary and scientific advice was given to social workers and sociologists on how to communicate with children with disabilities and create opportunities for them to become full members of society. This article outlines key decisions to improve the lives of children with disabilities, which are now relevant in public life. The article notes that there are ways to return children with disabilities to a healthy life and social work. In particular, recommendations are given on protecting the rights of these children during treatment.

2181-3884/©2023 in Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan.
DOI: 10.5281/zenodo.8371841

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Associate Professor of the Department of Social and Economic Sciences, Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan, Jizzakh, Uzbekistan (hakimovorziqul333@gmail.com)

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

KALIT SO'ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

имконияти чекланган,
ногирон, руҳий ҳолат,
ички ҳиссиёт, мулоқот
қилиш, самимий,
маънавий олам, меҳр-
оқибат

ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Мақолада имконияти чекланган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш йўллари уларнинг жамиятга мослашиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва амалий жиҳатлари ёритилган. Имконияти чекланган болалар билан мулоқотга киришиш, уларни ҳам соғлом инсонлар қаторида имкониятларини юзага чиқаришда ижтимоий иш ва социология мутахассисларига зарурий ва илмий тавсиялар берилган. Бу мақолада бугунги кунда ижтимоий ҳаётда долзарб ҳисобланган имконияти чекланган болалар ҳаётини яхшилашга, уларнинг жамиятда фаол ўзини намоён қилиш борасидаги асосий ечимлар кўрсатиб берилган. Илмий мақолада қайд этиб ўтганки, имконияти чекланган болаларни соғлом ҳаётга қайтариш, улар билан ижтимоий иш олиб бориш йўллари ва самарали йўналишлари очиб берилган. Айниқса, бу турдаги болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш улар билан муомала қилиш жараёнлари ҳусусида зарурий тавсиялар бериб ўтган.

Кириш.

“Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф – хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда” [1]. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада ислохотлар амалга оширилди. Шунингдек, соҳаларни ривожлантириш билан биргаликда энг асосий эътибор инсон манфаатларини таминлаш, уларнинг хоҳиш истаклари, энг юксак орзулари, кўзлаган мақсадларига эришишга, ҳар томонлама қулайликлар яратиш истаги энг олдинги мақсад сифатида қўйилди. Айниқса кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ногиронларни ҳам ўзига хос ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий эътибор берилди бошланди, ҳамда бу ишлар самараси ва давомийлиги бугунги кунгача оғишмай амалга оширилаётганлиги диққатга сазовордир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Социологиянинг классик номоёндаси Э.Дюркгейм атамалар луғатида ижтимоий мослашув тушунчасини қуйидагича таърифлайди, “ижтимоий мослашув бу - индивид томонидан ижтимоий меъёрларнинг ўзлаштирилишидир. Индивиднинг мослашуви ва жамиятнинг мослашуви сифат ва миқдоран ягона жараён бўлиб, “мослашув” ва “ижтимоийлашув” тушунчалари эса – синонимлардир.

Бироқ жамиятнинг меъёрий модели идеал даражада эмас. Позитивизм концепция ижтимоий мослашув назариясини очиб бериш учун зарур, бироқ етарли бўла олмайдиган методологик асос сифатида талқин этилади”[2]. М.Вебер бир вақтнинг ўзида бир қанча ўзаро бир-бирини инкор этувчи меъёрлар ҳам бўлиши эҳтимоли мавжудлигини таъкидлаган [3]. Ушбу ёндашув индивиднинг шаклланишида меъёрнинг аҳамияти ҳамда меъёрнинг шаклланишида индивиднинг ролини кўрсатади. Шундай қилиб, нисбатан мослашган инсон “меъёрий” эмас, аксинча “рационал”, гарчи “меъёрий” инсон етарлича “рационал” бўлади. М.Вебер инсоннинг бирламчи (эҳтимол нисбийдир), жамиятнинг эса иккиламчилигига ишора қилади, бу эса ижтимоий мослашувни тушунишимиз учун жуда муҳимдир. Т.Парсонснинг ижтимоий мослашув борасидаги қарашлари ҳам қизиқарли. Унинг “мувозанатдаги жамият” концепцияси индивиднинг мазкур муҳитда устувор аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий меъёрларни ўзлаштириши давомида кечадиган индивид ҳамда ижтимоий муҳит эҳтиёжлари орасидаги мувозанатга бағишланган. Мувозанат бор экан – жамият барқарор, мувозанат бўлмаса – ижтимоий низо содир бўлади. Жамиятнинг муҳим вазифаси – ушбу мувозанатга интилиш, гарчи Т.Парсонснинг фикрича, абсолют мувозанатга эришиб бўлмайди. Индивиднинг эҳтиёжлари ва ижтимоий меъёрлар – динамик қиймат бўлиб, уларнинг мос келиши кутилмаганда ва фақат қисқа муддатгагина содир бўлиши мумкин. Т.Парсонс “мослашув” ва “ижтимоий муҳит” атамаларидан фойдаланиб, инсон ҳар гал умуман жамият билан эмас, балки унинг катта бўлмаган қисми билан ўзаро муносабатларга киришади, деб таъкидлаган.[4].

Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида ифодаланади. Ногиронлар ўз навбатида ақлий имконияти чекланган ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахслар гуруҳига бўлинади. Бу турга мансуб инсонлар жамиятимизда борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шундай экан, бу турдаги ногиронларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, уларнинг руҳиятини яъни психологиясини ижобий томонга ўзгартириш, ёнидагилар билан муносабатларини яхшилаш, эртанги кунга қизиқишини ва ишончини ошириш ижтимоий иш ходимининг асосий вазифалар ҳисобланади. Шундай экан, биз имконияти чекланган болаларга ижтимоий хизматни кўрсатишда биринчи навбатда уларнинг руҳиятини соғломлаштиришга ва жонлантиришга эътибор қаратишимиз ҳамда психологиясини ўзгартириб, янги муҳитга янги ўзгаришларга тез мослашиши учун ҳаракат қилишимиз лозим. Руҳий ҳолатдан ташқи қиёфа ва хатти-ҳаракатга нисбатан ҳам яққолроқ далолат берувчи нарсаси, албатта, айтилаётган гап-сўз ва унинг айтилиш оҳангидир. Мана шу сабабли имконияти чекланган болалар билан ижтимоий хизматни олиб боришда, ижтимоий иш ходимлари зарурий машғулотларидан ўтган бўлишлари, ҳамда давомий равишда

илмий, амалий тажрибаларини ошириб боришларини таъминлашлари керак бўлиб, бунга: болаларнинг ҳуқуқлари ва қонун, болаларга нисбатан зўровонлик, шу билан биргаликда имконияти чекланганларнинг жисмоний, руҳий ва ақлий нуқсонлари билан боғлиқ жараёнлар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишлари лозим. Шу билан биргаликда ижтимоий иш соҳаси мутахассислари имконияти чекланган болалар кимлигини, ва улар қандай ҳолатда эканлиги борасидаги, аниқ малумотларга эга бўлишлари, ҳамда бу турдаги инсонларда кечадиган барча ўзгаришлар ва нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда хизматни олиб бориш жараёнлари яхши самара беради.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

“Юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар, ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат” [5]. Албатта, инсон қадри кадр топган мамлакатимизда шу каби имконияти чекланган инсонларга хусусан ногиронликга эга бўлган болаларга ижтимоий хизматни кўрсатиш, улар манфаатини юқори даражада ҳимоя қилиш муҳим масала. “Юртимизда қадимқадимдан инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирига ёрдам бериш, ёнидагиларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу одатларимиз мавжуд бўлган. Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда тарихий, миллий, диний илдизлар борлигини кўриш мумкин. Бу аввало, инсоннинг инсон билан, қўшнинг-қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият ҳалқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди” [6]. Мана шу эзгу амалларни давом эттириш, имконияти чекланган болаларни жамиятга мослаштириш энг зарур вазифаларимиздандир.

Бугунги кунда ногиронларнинг жисмоний физиологик камчиликларини ва бу вазиятлар билан боғлиқ ўзига хос ўзгаришларни билиш, билан биргаликда уларнинг маънавий олами, руҳий ҳолати, психологияси, ички кечинмалари, ҳиссиётларида кечадиган жараёнларни чуқурроқ ўрганишни ва кўпроқ тадқиқ қилишни тақозо қилаётганлиги, кечиктириб бўлмас ҳақиқатдир.

Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади [7].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

1. Ногиронлиги бўлган болаларнинг статистикасини юритувчи, Ягона реестрни ташкил этиш.
2. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларнинг

камситилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш ҳамда оила, жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш бўйича, шу жумладан хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, махсус ижтимоий лавҳалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамиятнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабатини ўзгартириш;

3. Ногиронлиги бўлган болалар тўғрисида аниқ статистик маълумотнинг мавжудлиги уларни ҳимоя қилиш учун ажратилаётган маблағларни манзилли ва самарали сарфланишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик ёки хайрия объекти эмас балки, уларни жамиятга уйғунлаштириш, реабилитация қилиш, жамиятдаги турли ҳил тўсиқларни бартараф этиш (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан мулоҳаза ва стереотиплар, улар учун мослаштирилган транспортларнинг йўқлиги, ахборот олишнинг йўқлиги, турар жой ва ижтимоий объектларга киришдаги ноқулайликлар) нуқтаи назаридан ёндашиш уларнинг ўз-ўзини баҳолашларини ошиш имконини беради ва уларга тенгхуқуқ ҳамда имконият учун куч адо этади.

3. Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий иш амалиётини татбиқ этиш.

Профессионал ижтимоий хизмат тизими яратилади. Мавжуд ижтимоий хизмат турлари кенгаяди. Ушбу хизматлар ижтимоий иш амалиётининг кенг тарқалган замонавий технологиялари ҳисобланган “кейс-менежмент” усули асосида амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган болалар билан қисқа муддатли чора-тадбир кўриш эмас, балки уларни ва оила аъзоларини қийин ҳетий вазиятдан чиқаришга, нормал ҳаётга қайтишини таъминлашга эришилади. Ногиронлиги бўлган болаларнинг институционал муассасаларга тушишининг олди олинади.

4. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан мунтазам ишлаш, семинар-тренинглари, давра-суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш. Бундай фарзандлари бор ота-оналар ўртасида ўзаро қўмак бериш гуруҳларини тузиш. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-онларининг болани парвариш қилиш ва тарбиялаш, бундай болалар учун давлат томонидан берилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан хабардорлиги оширилади. Ногиронлиги бўлган болалар эрта босқичда, эҳтимол туғилганидан бошлаб, реабилитация қилинса, бунинг самараси 70-80% гача кўтарилиши мумкин. Бу нафақат ногиронликни енгиллаштиради, балки боланинг ижтимоий интеграциясини ҳам таъминлайди.

Хулоса шундан иборатки, жамият ногиронлиги бўлган болаларга ачиниш кўзи билан эмас, аксинча асосий эътиборини уларнинг ҳуқуқларига қаратиши керак. Шундагина уларни жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида кўриш мумкин бўлади ва ижтимоий мослашувига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дюркгейм Э. Ценностные и реальные суждения / Э. Дюркгейм //

Социологические исследования. 1991. № 2.

2. Вебер М. Основные социологические понятия / М. Вебер // Избр. произведения. М., 1990.

3. Парсонс Т. Функциональная теория измерения / Т. Парсонс // Американская социологическая мысль. М., 1994.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.-Тошкент:Ўзбекистон, 2017. – Б. 25.

5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади. Ўзбекистон, 2005 – Б. 112

6. Назаров Қ.Манавий қадриятлар ва инсон қадри.-Тошкент: Маънавият, 2011 – Б. 10.

7. Ўзбекистон миллий энсклопедияси.-Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 375.